


Мавзу 10. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик



МАВЗУ БУЙИЧА ЎРГАНИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР

- 1.Сувга доир халқаро муносабатлар.
- 2.Сувга доир муносабатлар соҳасида халқаро ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўналишлари.
3. Халқаро ҳамкорлик механизмлари.
- 4.Трансчегаравий сув объектларидан фойдаланишни тартибга солиш .
- 5.Трансчегаравий сув объектларида сувдан фойдаланиш.
- 6.Халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерларда сувдан фойдаланиш.
- 7.Сувга оид давлатлараро низолар ва уларни ҳал қилиш тартиби.

Фойдаланиш учун адабиётлар

- Suv huquqi. Darslik.(prof Usmonov M. Tahriri ostida) T., 2004-219bet.
- Сваков Д.О. Водное право. Учебно-практическое пособие, М., 2007год.
- Ismoilxo'jaev B., Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi,T., TIQXMMI-MTU nashryoti, 2021 y.
- Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi: ma'muriy huquqbuzarlik va javobgarlik, TIQXMMI-MTU nashryoti, 2022 y.
- Nazarov X. Ekologiya va suv huquqi: ekologik nazorat. TIQXMMI-MTU nashryoti, 2022 y.
- R.Quentin Grafton, Karen Hussey "Water resources planning and management", London 2011, Cambridge University Press p.423
- O'zbekiston Respublikasi Suv xo'jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo'ljallangan konsepsiyasi. 2020 yil.
- O'zbekiston Respublikasining "Suv va suvdan foydalanish to'g'risida"gi qonuni,1993 yil.
- O'zbekistonning Ichimlik suvi ta'minoti va oqava suvlarni chiqarib yuborish to'g'risida"gi qonun,O'RQ-784, 22iyul, 2022 y.
- O'zbekiston Respublikasi Suv kodeksi ,2023 yil.

- **Сувга доир муносабатлар соҳасида халқаро ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўналишлари**
- Ўзбекистон сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳамкорлик қилади.
- Ўзбекистон Республикасининг сувга доир халқаро ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларни бажариш;
- трансчегаравий сувлар ва сув объектларидан, шунингдек, атроф муҳитдан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг сув хавфсизлигини таъминлаш ва минтақадаги сув ресурсларидан ҳамда давлатлараро сув хўжалиги объектларидан биргаликда фойдаланиш масалалари бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш;
- минтақадаги Марказий Осиё мамлакатларининг манфаатлари балансини таъминлайдиган трансчегаравий сув ресурсларини биргаликда бошқариш бўйича ўзаро мақбул механизмларни амалга ошириш.

Трансчегаравий сув объектларидан фойдаланишни тартибга солиш.

- Ўзбекистон Республикасининг ва Орол денгизи ҳавзасидаги бошқа давлатларнинг ҳудудида жойлашган трансчегаравий сув объектларидан (Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, Орол денгизи ва бошқа трансчегаравий сув объектларидан) фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ тартибга солинади.

- **Трансчегаравий сув объектларида сувдан фойдаланиш:**

- Трансчегаравий сув объектларида сувдан фойдаланиш, сув хўжалиги ва сувни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.
- Ўзбекистон Республикаси трансчегаравий сув объектларининг Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида тартибга солинмаган қисмида сувдан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерларда сувдан фойдаланиш:

- **Халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерларда сувдан фойдаланиш.** Халқаро аҳамиятга эга, асосан сувда сузувчи қушлар яшайдиган сувли-ботқоқ ерларда сувдан фойдаланиш, сув хўжалиги ва сувни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.



- **Сув тўғрисидаги қонунчиликни бузиш натижасида етказилган зарарни қоплаш.**
- Юридик ва жисмоний шахслар сув тўғрисидаги қонунчиликни бузиш натижасида етказилган зарарни қонунчилик ҳужжатларида белгиланадиган миқдорда қоплаши шарт.
- **Зарарлар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг моддий жавобгарлиги.**
- Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар зарарларни қоплаш билан боғлиқ харажатларнинг сарфлашида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар белгиланган тартибда моддий жавобгар бўлади.

- **Сувдан фойдаланиш тўғрисидаги халқаро низолар юзасидан шикоят қилиш.**
- Сувдан фойдаланиш тўғрисидаги низолар бўйича чиқарилган қарор юзасидан қарор топширилган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида юқори турувчи органга шикоят қилиш мумкин.
- Низолар бўйича чиқарилган қарор юзасидан қилинган шикоят ушбу қарор ижросини тўхтатиб қўймайди. Сувдан фойдаланиш тўғрисидаги низо бўйича чиқарилган қарор ижроси қарор чиқарган орган ёки юқори турувчи орган томонидан тўхтатилиши ёки ижро муддати узайтирилиши мумкин.
- **Сувга доир муносабатлар билан боғлиқ мулкка оид халқаро низоларни ҳал қилиш.**
- Сувга доир муносабатлар билан боғлиқ мулкка оид низолар тегишли суд томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.
-

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАХМАТ